

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2023 йил февраль ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман суди, очик суд мажлисида, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи, судья А.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Д.Умарованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурорининг ўринбосари А.Хужамқулов, судланувчи А.А.Бокиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Н.Нармуродова, фуқаровий даъвогар Ш.Давроновларнинг иштирокида, судланувчи Бокиев Ашур Абдусалимовичга нисбатан 1-1413-2402/32-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Бокиев Ашур Абдусалимович, 1974 йил 16 июль куни Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам ЖИБ Жиззах шаҳар судининг 10.03.2011 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2010 йилдаги “амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган, судланмаган шахс ҳисобланади, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омбори мудирининг вазифасида ишлаган, Жиззах шаҳар, “Нурли йўл” МФЙ, Маданият кўчаси, 3^А-уйда яшаган, жиноят иши юзасидан “қамоққа олиш” тўғрисидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ва 2023 йил 14 ноябрь кунидан бошлаб ҳибсда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 25.01.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара сўзлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Бокиев Ашур Абдусалимович, 02.10.2020 йилдан 16.10.2023 йилга қадар “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий



филиалига қарашли “Мароқанд” худудий кўмир омбори мудирлари лавозимида ишлаб келиб, филиал директори билан тузилган 11.09.2023 йилдаги 03-сонли моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага асосан моддий жавобгар шахс бўлгани ҳолда “Ўзбеккўмир” АЖнинг 2023 йил 01 январдаги 763020-сонли юк хати билан 140 тонна, 03 январдаги 763082, 485996-сонли юк хатлари билан 210 тонна, 06 январдаги 762879-сонли юк хати билан 209 тонна, 07 январдаги 763183, 763184-сонли юк хатлари билан 138 тонна, 08 январдаги 763217, 499006-сонли юк хатлари билан 208 тонна, 09 январдаги 763247-сонли юк хати билан 138 тонна, 11 январдаги 763289-сонли юк хати билан 208 тонна, 12 январдаги 763313-сонли юк хати билан 139 тонна 13 январдаги 763342-сонли юк хати билан 208 тонна, 19 январдаги 763477, 763469-сонли юк хатлари билан 417 тонна, 21 январдаги 756421-сонли юк хати билан 139 тонна, 23 январдаги 763721, 499613-сонли юк хатлари билан 207 тонна, 25 январдаги 769159, 769168-сонли юк хатлари билан 349 тонна, 26 январдаги 769187-сонли юк хати билан 140 тонна, 31 январдаги 769301, 499661-сонли юк хатлари билан 207 тонна, 2023 йил 13 июлдаги 787177, 787175, 787176-сонли юк хатлари билан 1176,0 тонна, 14 июлдаги 527611-сонли юк хати билан 70 тонна БЗР (уголь бурый-161096-27020000) – маркали кўмир маҳсулотларини ўзининг моддий жавобгарлигига қабул қилиб олиб, уларни имтиёзли нархларда аҳолига етказиб бермасдан, тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга ўзбошимчалик билан сотишини режалаштирган.

Шундан сўнг, судланувчи А.А.Бокиев ўзининг жиноий режасини давом эттириб, моддий жавобгарлигида бўлган 1 млрд. 375 млн. 974 минг 600 сўмлик жами 4.581 тонна 998 кг. БЗР (уголь бурый-161096-27020000) – маркали кўмир маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги 551-сон қарори билан тасдиқланган “Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборлари мудирлари, масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулоти сифатли сақланиши ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб беришдаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади” деб, 11-бандида “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида аҳолига кўмир маҳсулотининг манзилли юклаб берилиши ва сотилишини таъминлаши ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади. Кўмир омборлари томонидан ҳар бир истеъмолчига ортиб юборилган кўмир партияси бўйича Портал ва SMS-хабарнома орқали истеъмолчига билдиришнома етказилади” деб



шошилинич хабарномасида белгиланган тартибга амал қилмасдан, ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш мақсадида, гўёки ушбу кўмир маҳсулотлари имтиёзли нархларда аҳолига сотилганлиги тўғрисида сохта жамланма маълумотлар тузиб, кўмир маҳсулотларини ҳақиқатда жамланма ҳисобларида кўрсатилган маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатмасдан, қонун билан кўриқланадиган давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Бокиев Ашур Абдусалимович айбига қисман иқрорлик билдириб ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти ҳудудий филиалига қарашли бўлган ҳамда Пастдарғом туманида жойлашган “Мароқанд” кўмир омбори мудирлари бўлиб ишлаб келганлигини, 2023 йил 16 октябрь куни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаганлигини, хизмат вазифаларига келган кўмирларни қабул қилиб олиш ва тарқатиш, моддий товар бойликларни сақлаш, кўмир сотишдан тушган пулларни ўз вақтида банк хазнасига топширилишини таъминлаш ва бошқалар кирганлигини, омборга кўмир асосан Ангрен кўмир конидан темир йўл орқали вагонга юклаб олиб келинганлигини, кўмир омбори томонидан маҳалла аҳолисига имтиёзли нархларда кўмир етказиб бериш тартиби кўмир омбори ходимлари ҳар бир кўмир сотиб олган аҳоли хонадони рўйхати шакллантирилганлиги, кўмир сотиб оладиган ҳар бир шахсинг идентификация рақами (ЖШИР) кўрсатилганлиги, ҳоким ёрдамчиси ва МФЙ раисининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган жадвал асосида тарқатилиши керак бўлганлигини, ушбу тартиб “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинич” хабарномаси белгиланганлигини, бундан ташқари “Ўзбек кўмир” АЖ раҳбарининг 551-сонли буйруғи билан тасдиқланган тартиб ҳам бўлганлигини, лекин булар ҳақида текшириш давомида хабар топганлигини, унга вилоят филиали томонидан бу ҳақида маълум қилинмаганлигини, тафтиш ўтказишга келган тафтишчи кўрсатганидан кейин ушбу тартибдан хабар топганлигини, “Ўзбек кўмир” АЖнинг ёки вилоят филиали раҳбариятининг кўрсатма, топшириқ ва бошқа хатларини туманлар омбор мудирларига вилоятнинг бош ҳисобчиси Қаршиев Ихтиёр етказиш керак бўлганлигини, И.Қаршиев ёки бошқа ходим томонидан унга “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинич” хабарномасини етказилмаганлигини, “Ўзбек кўмир” МЧЖга қарашли Жиззах вилоят филиали “Мароқанд” кўмир омборига олиб келинган кўмир маҳсулоти аҳолига ҳамда бюджет ташкилотларига сотиш учун олиб келинишини, “Мароқанд” кўмир омборидан вилоятнинг Пастдарғом, Нуробод, Оқдарё ва Ургут туманлари аҳолисига тарқатилишини, Кўшработ туманида жойлашган “Кўралос” ва “Жўш ота” савдо шахобчасига ҳам тарқатилиб келишини,



маҳсулот ушбу шахобчалар орқали аҳолига сотилиб келинганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги 551-сонли Қарорига асосан кўмир омборларида кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни киритувчи Портал мавжуд эмаслигини, бундан хабари ҳам йўқлигини, бундан текшириш давомида хабар топганлигини, бу ҳақида унга вилоят раҳбарияти томонидан топшириқ берилмаганлигини, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан 2023 йил 15-19 июль кунлари тарқатилган кўмир маҳсулотларини жамланмасини ўзи тузганлигини, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан 2023 йил 15-19 июль кунлари ҳақиқатда жамланмада кўрсатилган МФЙ аҳолисига кўмир маҳсулотлари тарқатилганлигини, барча кўмир маҳсулоти ўзи томонидан тарқатилган бўлиб, маҳсулотни сотишдан тушган нақд пулларини банк кассасига топшириш учун ғазначи Жамолиддинов Жахонгирга берганлигини, Ж.Жамолиддинов эса пулларни бориб банк кассасига топшириб келганлигини, кўмир маҳсулоти ҳар бир хўжаликка 700 килограммдан 1 тоннагача сотилиши белгиланганлигини, ҳақиқатда жорий йилнинг 15-19 июль кунлари Пастдарғом туманида яшовчи кўмир маҳсулотини сўраб келган фуқароларга сотганлигини, лекин улардан ҳеч қандай ҳужжат сўрамаганлигини, кўмир сотиб олган фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаштирмаганлигини, сабаби кўмир маҳсулоти иссиқ кунда намлигини йўқотиб, тоннаси камайиб кетмаслиги учун хўжаликлар сонига қараб фуқароларга 4,5 тоннадан 10,0 тоннагача сотганлигини, ўзи тузган жамланмада кўрсатилган хонадонларга сотганлигини, ҳақиқатан ҳам, кўмир маҳсулотини имтиёзли нархда сотган фуқаролардан ҳужжатларидан нусха ёки МФЙнинг рўйхатини тақдим қилишни сўраб, шундан сўнг уларга кўмир маҳсулотини сотиши керак бўлганлигини, лекин улардан ҳеч қандай ҳужжат сўрамасдан, кўмир маҳсулотларини сотиб юборганлигини, кўмир маҳсулотини имтиёзли нархларда сотиб олган фуқароларни танимаслигини, уларнинг исми-шарифини ҳам билмаслигини, ўзи ёки омборнинг бошқа ходимлари МФЙ раислари ёки ходимларидан имтиёзли нархларда кўмир маҳсулотини олувчи маҳалла фуқароларининг рўйхати ёки тасдиқланган жадвални тақдим қилишни ўзи ҳам ва бошқа ходимлар ҳам сўрамаганликларини, фуқароларга сотилган кўмирнинг пулларини ўзи ҳам қабул қилиб олиб қолганлигини, экспедитори ҳам қабул қилиб қолганлигини, сўнг тушган пулларни шу куннинг ўзида ёки бўлмаса эртаси куни экспедитори Ж.Жамолиддинов бориб Жиззах шаҳрида жойлашган “Ўзсаноатқурилишбанк”да очилган банк филиалига бориб топшириб келганлигини, шу сабабли сотилган кўмир маҳсулотлари бўйича пулларни ўзлаштирмаганлигини, зарар мавжуд бўлмаганлигини такшириш вақтида ҳам аниқланганлигини, қилмишидан чин кунгилдан пушаймон эканлигини, шу сабабли унга нисбатан енгилроқ жазо ўинлашликни билдириб баёнот берди.



Судланувчи А.А.Бокиев суд мажлисида айбига қисман иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсада, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар Давронов Шерзод Вохидовичнинг, ҳақиқатдан ҳам “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиали юрисконсулти бўлиб ишлаб келишини, Бокиев Ашур Абдусалимович 2018 йилдан “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омбори мудирлари лавозимида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги “Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 551-сонли Қарори билан тасдиқланган “Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва “Ўзбек кўмир” АЖнинг 22.09.2022 йилдаги хатида белгилаб қўйилган омбор мудирлари ҳар бир кўмир сотиб олган аҳоли хонадони рўйхати шакллантирилганлиги, кўмир сотиб оладиган ҳар бир жисмоний шахсларнинг идентификация рақами кўрсатилганлиги, ҳоким ёрдамчиси ва МФЙ раисининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган жадвал асосида кўмир маҳсулотини имтиёзли нархларда тарқатиши лозимлиги ҳақидаги талабларга зид равишда ўзининг моддий жавобгарлигида бўлган кўмир маҳсулотларини Пастдарғом туманидаги эҳтиёжманд аҳоли хонадонларига имтиёзли нархларда етказиб бермаган бўлсада, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига тақдим қилган жамланма ҳисоботларга гуёки 4581 тонна кўмир маҳсулотлари маҳаллалар аҳолисига етказиб берилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб, моддий жавобгарлигидаги бўлган 4581 тонна 1 млрд. 375 млн. 974 минг 600 сўмлик жуда кўп миқдордаги кўмир маҳсулотини сотиб юборганлигини, шунга қарамасдан кўмирларни сотганидан кейин 1 млрд. 375 млн. 974 минг 600 сўм миқдордаги пулларни “Ўзсаноатқурилишбанк”да очилган банк филиалига бориб топшириб келганлигини, сотилган кўмир маҳсулотлари бўйича текшириш вақтида ҳам зарар мавжуд бўлмаганлигини, шу сабабли А.Бокиевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Каршиев Ихтиёр Яхшибоевич ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилоят филиалида бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келаётганини, “Ўзбек кўмир” АЖга қарашли “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиали ва унинг ҳудудий кўмир омборларига кўмир маҳсулотлари “Ўзбек кўмир” АЖ томонидан Жиззах минтақавий темирйўл узели орқали вагонларда асосан Ангрен кўмир конидан олиб келинишини, ҳудудий кўмир омборлари томонидан маҳалла аҳолисига имтиёзли нархларда кўмир етказиб бериш тартиби кўмир омбори ходимлари ҳар бир кўмир сотиб олган аҳоли хонадони рўйхати шакллантирилган, кўмир сотиб оладиган ҳар бир шахснинг идентификация рақами



(ЖШИР) кўрсатилган, ҳоким ёрдамчиси ва МФЙ раисининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган жадвал асосида тарқатилиши кераклигини, ушбу тартиб “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинч” хабарномасида белгиланганлиги, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги “Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 551-сонли Қарорида ҳам бу ҳақида белгилаб қўйилганлигини, “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинч” хабарномаси ҳудудий кўмир омборлари мудирларига ўзи томонидан етказилганлигини, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборида омбор мудир, экспедитор-ғазначи, 1 нафар тарозибон, 2 нафар юк тушурувчи, 3 нафар юкловчи, 4 нафар қоровул, жами 12 нафар ходим ишлаб келишлигини, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан Пастдарғом, Нуробод, Оқдарё ва Ургут туманлари аҳолисига кўмир тарқатилишини, бундан ташқари, Қўшработ туманида жойлашган “Кўралос” ва “Жўш ота” савдо шаҳобчаларига ҳам кўмир ушбу омбор орқали тарқатилишини, сўнгра маҳсулот ушбу шаҳобчалар орқали аҳолига сотилишини, Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги 551-сонли Қарорида назарда тутилган Кўмир маҳсулотларини сотиш хизматлари интерактив портали (электрон маълумотлар базаси) ҳали ишга тушмаганлигини, сабаби ҳокимликлар томонидан моддий техника базаси шакллантирилмаганлигини, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан 2023 йил июль ойида аҳолига тарқатилган кўмир маҳсулотларини жамланмаси “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинч” хабарномаси ва унга илова қилинган намунавий жадвал асосида омбор мудир томонидан вилоят филиалига тақдим қилинмаганлигини, омбор мудирлари томонидан унга 2023 йил июль ойида тақдим этилган жамланма ҳисоботларда фақатгина омбор мудирининг ўзи имзо қўйиб, омбор муҳри босилган ҳолда тақдим этилганлигини, уни ҳоким ёрдамчилари ва маҳалла раислари имзолаб ва ўз муҳрлари билан тасдиқлаб бермаганликларини, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан 2023 йилнинг июль ойида, ҳақиқатда жамланмада кўрсатилган маҳаллалар аҳолисига кўмир маҳсулотлари тарқатилган ёки йўқлигини аниқ билмаслигини, чунки омбор мудир тақдим этган жамланма “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги “Шошилинч” хабарномаси ва унга илова қилинган намунавий жадвал асосида берилмаганлигини, омбор мудир А.Бокиев томонидан тақдим қилинган ҳисоботларда кўмир маҳсулотини имтиёзли нархларда сотиб олган фуқароларнинг маълумотлари мавжуд аслигини, лекин маҳсулотни сотишдан тушган нақд пулларини банк ҳисобига тўлиқ топширганлиги учун, омбор мудирдан кўмирни кимга



сотганлигини сўрамаганлигини, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори мудирини А.Бокиев томонидан ҳисоботлар ҳар ойда тақдим этиб борилганлигини, ҳақиқатдан ҳам А.Бокиев томонидан сотилган кўмир маҳсулотини сотилиши филиал раҳбари томонидан назорат қилиниши кераклигини, А.Бокиевни кўмир маҳсулотларини кимга сотганлигини аниқ билмаслигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омбори экспедитор-кассири Жамолиддинов Жаҳонгир Жамолиддинович ўзининг кўрсатувида, судда сўроқ қилинган гувоҳ И.Я.Каршиевнинг кўрсатувларини тўлиғича тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув бериб, кўмир маҳсулотларини маҳаллаларга сотиш билан А.Бокиев шуғулланиб келганлигини, шунда кимга сотиб келинганлигини билмаслигини, бироқ сотувдан тушган пулларни А.Бокиевдан қабул қилиб олиб “Ўзсаноатқурилишбанк” банки кассасига бориб топшириб келганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Холилов Зафар Убайдуллаевич ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам Жиззах вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасида ишлаб келишлигини, хизмат вазифаларига бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфланишини назорат қилиш, тафтишдан ўтказиш, текшириш натижасида аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш ва шу кабилардан иборатлигини, ҳақиқатан ҳам, ДХХ Жиззах вилояти бўйича бошқармасининг 20.07.2023 йилдаги 11/1365-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида “Кўмир таъминот” АЖ Жиззах ҳудудий филиали томонидан аҳолига имтиёзли нархларда бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига кўмир маҳсулотларини етказиб берилиши юзасидан ваколат доирасида “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омборида 2023 йил 22-23 июль кунлари ўрганиш ўтказганлигини, ўрганишда “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омбори мудирини А.Бокиев томонидан омборга келиб тушган жами 1225,6 тонна 368.087,0 минг сўмлик кўмир маҳсулоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 сентябрдаги “Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 551-сонли Қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомининг тегишли пунктларига риоя этилмаган ҳолда тегишли эҳтиёжлар шакллантирилмасдан юқоридаги қарорнинг бандларига риоя қилмасдан сотилганлиги аниқланганлигини, бунда омбор мудирини А.Бокиев томонидан аҳолига кундалик реализация қилинган кўмир маҳсулотини маҳалалар кесимида алоҳида хонадонбай ҳисобини юритмасдан, ҳар бир кўмир сотиб олган шахснинг идентификация



рақамини кўрсатилган жадвалда акс эттирмасдан, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла раисларининг имзоси ва муҳрлари билан тасдиқлатмасдан, жамланма жадвал асосида тарқатганлиги маълум бўлганлигини, "Кўмир таъминот" МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига қарашли "Мароқанд" кўмир омбор мудирини А.Бокиев жавобгарлигига Ангрен кўмир конидан 11.07.2023 йилда 787177, 787175 ва 787176-сонли накладнойлар билан 13.07.2023 йилда 12-сонли далолатномага асосан жами 1.176 тонна, 11.07.2023 йилдаги 527611-сонли накладной билан 14.07.2023 йилда 13-сонли далолатномага асосан 70 тонна, жами 1.246 тонна кўмир маҳсулотлари киримга олинган бўлиб, шундан "Қуролос" кўмир омборига 9,6 тонна кўмир маҳсулотлари Х.Ашуров жавобгарлигига, "Жўш-ота" кўмир омборига 10,8 тонна кўмир маҳсулотлари А.Тиркашев жавобгарлигига юборилганлиги аниқланганлигини, "Мароқанд" кўмир омбор мудирини А.Бокиев жавобгарлигида аҳолига имтиёзли нархларда етказиб бериладиган жами 1225,6 тонна кўмир маҳсулотлари А.Бокиев томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан 15.07.2023 йилда Пастдарғом туманидаги 11 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 113,6 тонна, 2023 йил 16 июл куни 14 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 121,3 тонна, 2023 йил 17 июл куни 28 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 303,7 тонна, 2023 йил 18 июл куни 26 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 327,1 тонна ҳамда 2023 йил 19 июл куни 27 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 359,9 тонна жами 1225,6 тонна кўмир маҳсулотлари А.Бокиев томонидан жамланма рўйхатлар асосида тарқатилганлигини, лекин ўрганиш жараёнида ДХХ Жиззах вилоят бўйича бошқармаси Пастдарғом туман бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги ИЖҚК Департаментининг Пастдарғом туман бўлими ходимлари томонидан Пастдарғом туманидаги маҳалла фуқаролари йиғинлари аҳолиси учун "Кўмир таъминот" МЧЖ Жиззах вилояти филиалига қарашли Мароқанд ҳудудий кўмир омборонасидан аҳолига имтиёзли, арзон нархларда сотилган кўмир маҳсулотларини 2023 йил июль ойида ҳақиқатда олинган ёки олинмаганлиги танлов асосида тезкор йўллар билан ўрганилганида, Пастдарғом туманидаги 46 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу даврда умуман кўмир маҳсулотлари олинмаганлиги маълум бўлганлигини, аҳолига тарқатилган кўмир маҳсулотларидан олинган нақд пуллар "Кўмир таъминот" МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига қарашли "Мароқанд" кўмир омбори кассири Ж.Жамолиддинов томонидан 2023 йил 17 июл куни 4.150.000 сўм, 2023 йил 17 июл куни 36.427.000 сўм 2023 йил 18 июль куни 91.215.000 сўм, 2023 йил 19 июл куни 98.220.000 сўм ва 2023 йил 20 июль куни 108.075.000 сўм жами 368.087.000 сўм нақд пуллар "Ўзсаноатқурилиш" банкига топширилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 2 ноябрда 833-рақам билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган 19-сонли "Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия миллий стандарти хатловдан ўтказишни шарт қил этиш тўғрисида"ги қўлланмаси асосида, "Кўмир таъминот" МЧЖ



Жиззах ҳудудий филиалига қарашли "Мароқанд" кўмир омбор мудир А.Бокиев жавобгарлигида бўлган кўмир маҳсулотларини сақланиш қолдиғи юзасидан 2023 йил 22 июль ҳолатига саноқ (инвентаризация)дан ўтказилганда фарқ аниқланмаганлигини, қолдиқда кўмир маҳсулоти мавжуд эмаслиги маълум бўлганлигини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 сентябрдаги "Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 551-сонли Қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган, "Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низомининг 10-бандида "Кўмиртаъминот" МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида аҳолига кўмир маҳсулотининг манзилли юклар берилиши ва сотилишини таъминлайди ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади деб кўрсатилган бўлса-да, лекин омбор мудир А.Бокиев томонидан ҳар бир истеъмолчига ортиб юборилган кўмир партияси бўйича Портал ва СМС-хабарнома орқали истеъмолчига билдиришнома етказилмаганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Журалов Нурулла Бекназарович, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори бўлиб ишлашлигини, "Пастдарғом туман прокуратураси терговчисининг 2023 йил 26 октябрдаги "Молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан хужжатли тафтиш тайинлаш ҳақида"ги қарори ҳамда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосарининг 2023 йил 30 октябрдаги "Солиқ аудити ўтказиш ҳақида"ги 00301-хс-сонли буйруғига асосан "Кўмир таъминот" МЧЖ (СТИР: 207016317) Жиззах ҳудудий филиалига қарашли бўлган "Мароқанд" ҳудудий кўмир омборининг молиявий хўжалик фаолиятида жиноят иши қўзғатилиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳамда тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарорда кўрсатилган ҳолатлар юзасидан солиқ аудити текшируви ўтказганлигини, "Мароқанд" кўмир омбор мудир лавозимида (2020 йил 20 октябрдан 2023 йил 16 октябргача) ишлаган А.Бокиевнинг Жиззах ҳудудий филиалига тақдим этган ҳисоботи бўйича жавобгарлигидаги "Мароқанд" кўмир омборида 2013 йил 01 январ ҳолатига 100 тонна 560 кг 30 198 168 сўмлик 2БЗР маркали кўмир маҳсулотидан қолдиғи бўлганлигини, 2023 йил 01 январдаги 763020-сонли юк хати билан 140 тонна, 03 январдаги 763082,485996-сонли юк хатлари билан 210 тонна, 06 январдаги 762879-сонли юк хати билан 209 тонна, 7 январдаги 763183, 763184-сонли юк хатлари билан 138 тонна, 08 январдаги 763217, 499006-сонли юк хатлари билан 208 тонна, 09 январдаги 763247-сонли юк хати билан 138 тонна, 11 январдаги 763289-сонли юк хати билан 208 тонна, 12 январдаги 763313-сонли юк хати билан 139 тонна 13 январдаги 763342-сонли юк хати билан 208



тонна, 19 январдаги 763477, 763469-сонли юк хатлари билан 417 тонна,
21 январдаги 756421-сонли юк хати билан 139 тонна, 23
январдаги 763721, 499613-сонли юк хатлари билан 207 тонна, 25
январдаги 769159, 769168-сонли юк хатлари билан 349 тонна, 26
январдаги 769187-сонли юк хати билан 140 тонна, 31 январдаги
769301, 499661-сонли юк хатлари билан 207 тонна, жами 3057 тонна
(ҳар бир тоннаси 300300 сўмдан бўлган) 918 017 100 сўмлик 2БЗР
маркали кўмир маҳсулотлари омбор мудирини Боқиев Абдурасул
Абдукаримович жавобгарлигига кирим қилиб олганлигини, 2023 йил
13 июлдаги 787177, 787175, 787176-сонли юк хатлари билан
1176,0 тонна, 14 июлдаги 527611-сонли юк хати билан 70 тонна, жами
1246 тонна (ҳар бир тоннаси 300300 сўмдан бўлган) 374 173 800 сўмлик
2-БЗР маркали кўмир маҳсулотлари омбор мудирини Боқиев Абдурасул
Абдукаримович жавобгарлигига кирим қилиб олганлигини, 2023 йил
06 сентябрдаги 798378-сонли юк хати билан 277 тонна, 7 сентябрдаги
527907-сонли юк хати билан 70 тонна, 17 сентябрдаги 798588-сонли юк
хати билан 689 тонна, 20 сентябрдаги 798672, 798664-сонли юк хатлари
билан 346 тонна, 25 сентябрдаги 799040-сонли юк хати билан
349 тонна, 26 сентябрдаги 528103, 799072-сонли юк хатлари билан
555 тонна, 27 сентябрдаги 799825, 799826, 799827-сонли юк хатлари
билан 893 тонна, 29 сентябрдаги 528724-сонли юк хатлари билан
69 тонна, 30 сентябрдаги 799229, 799228, 799232, 528132, 799227-сонли
юк хатлари билан 1043 тонна, жами 4 291 тонна (ҳар бир тоннаси
300300 сўмдан бўлган) 1 288 587 300 сўмлик 2БЗР маркали кўмир
маҳсулотлари омбор мудирини Жамолиддинов Жаҳонгир
Жамолиддинович жавобгарлигига кирим қилиб олганлигини, 2023 йил
03 октябрдаги 802040, 802032-сонли юк хатлари билан 1044 тонна,
05 октябрдаги 802096, 802095-сонли юк хатлари билан 1037 тонна,
06 октябрдаги 802120, 802122, 802121-сонли юк хатлари билан
1177 тонна, 9 октябрдаги 802209, 802210-сонли юк хатлари билан
971 тонна, 10 октябрдаги 802231, 802230, 802232-сонли юк хатлари
билан 973 тонна, 12 октябрдаги 802272, 802278-сонли юк хатлари билан
834 тонна, 13 октябрдаги 802301-сонли юк хати билан 345 тонна,
14 октябрдаги 802323, 802320-сонли юк хатлари билан 835 тонна,
15 октябрдаги 802302-сонли юк хати билан 559 тонна, 15 октябрдаги
802409-сонли юк хати билан 347 тонна, 17 октябрдаги 802469-сонли юк
хати билан 280 тонна, жами 8 402 тонна (ҳар бир тоннаси 300300 сўмдан
бўлган) 2 523 120 600 сўмлик 2-БЗР маркали кўмир маҳсулотлари омбор
мудирини Жамолиддинов Жаҳонгир Жамолиддинович жавобгарлигига
кирим қилиб олганлигини, “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах худудий
филиалига қарашли “Мароқанд” кўмир омборидан 2023 йил январь-
октябрь ойлари давомида кўмир маҳсулотларининг аҳолига
тарқатилиши текширилганда омбор мудирини Боқиев Абдурасул
Абдукаримович томонидан 2023 йил январь ойида 3 109 тонна
3 920 988 сўмлик, июль ойида 1 225,6 тонна 368 047 680 сўмлик кўмир



маҳсулотини чиқим қилинганлиги тўғрисида ҳисобот тузиб “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига тақдим этганлиги, текширишда “Мароқанд” кўмир омборида ўрнатилган назорат касса машинасига кирим қилиниб, банк муассасига топширилган нақд пуллар билан солиштирилганда 2023 йил январь ойи давомида 3356 тонна 398 кг. кўмир маҳсулоти сотилиб назорат касса машинасига 1 007 926 920 сўм кирим қилинганлиги ва 1 007 929 900 сўм нақд пул банк муассасасига топширилганлиги аниқланганини, тақдим этилган ҳисоботиغا нисбатан 246 тонна 440 кг суммаси 74 005 932 сўмлик нақд пул январь ойи ҳисоботида акс эттирилмасдан қолганини, “Мароқанд” кўмир омбори, омбор мудирини Боқиев Абдурасул Абдукаримович томонидан 2023 йил январь ойида 3356 тонна 398 кг. суммаси 1 007 926 920 сўмлик, июль ойида 1 225 тонна 600 кг. суммаси 368 047 680 сўмлик жами 4 581 тонна 998 кг. суммаси 1 375 974 600 сўмлик 2-БЗР маркали кўмир маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 29 сентябрдаги “Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизминини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 551-сонли қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган, Республика аҳолисининг кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини тўғрисида”ги Низомнинг тегишли бандларига зид равишда белгиланган тартибда расмийлаштирмаган ҳолда тарқатилганлиги аниқланганлигини, “Мароқанд” кўмир омбори томонидан 2020 йил 2 октябрда рўйхатга олинган, Онлайн НКМ UZRASSA №5 русумли, N500W446750-сонли завод рақамли, 100617513-сонли реестр рақамли, UZ200701047997-сонли фискал назорат касса машинаси (НКМ) ўрнатилган бўлиб, фуқароларга чек тақдим этган ҳолда банк кассаларига кирим қилиниши ўрганилганлигини, эҳтиёжманд аҳолига етказиб берилган жами 4 919 562,6 минг сўмлик 16 382,1 тонна кўмир маҳсулоти сотилган бўлиб, 883 та назорат касса машинаси хотирасига харид қилган фуқароларга берилган чеклар орқали реализация қилган 16 629,0 тонна кўмир маҳсулоти учун 4 993 568 580 сўмлик нақд пул тушуми кирим қилиниб, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” филиалида очилган ҳисоб рақамига топширилганлиги, банк томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига 4 993 584 700 сўм нақд пуллар банк муассасасига топширилганлигини, Фискал назорат касса машинаси (НКМ) кирим қилинган нақд пуллар билан банк муассасасига топширилган нақд пуллар солиштирилганда 16200 сум нақд пул назорат касса машинасига кирим қилинмасдан банк муассасасига топширилганлиги аниқланганлигини, омбор мудирини А.Боқиев жавобгарлигига Ангрен кўмир конидан 11.07.2023 йилда 787177, 787175 ва 787176-сонли накладнойлар билан 13.07.2023 йилда 12-сонли далолатнома асосан жами 1.176 тонна, 11.07.2023 йилдаги 527611-сонли накладной билан 14.07.2023 йилда 13-сонли далолатнома асосан 70 тонна, жами 1.246 тонна кўмир маҳсулотлари киримга



олинганлигини, шундан “Қуролос” кўмир омборига 9,6 тонна кўмир махсулотлари Х.Ашуров жавобгарлигига, “Жўш-ота” кўмир омборига 10,8 тонна кўмир махсулотлари А.Тиркашиев жавобгарлигига юборилганлиги аниқланганлигини, омбор мудирини А.Боқиев жавобгарлигида аҳолига имтиёзли нархларда етказиб бериладиган жами 1225,6 тонна кўмир махсулотлари А.Боқиев томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан 15.07.2023 йилда Пастдарғом туманидаги 11 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 113,6 тонна, 2023 йил 16 июл куни 14 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 121,3 тонна, 2023 йил 17 июл куни 28 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 303,7 тонна, 2023 йил 18 июл куни 26 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 327,1 тонна ҳамда 2023 йил 19 июл куни 27 та МФЙларда яшовчи фуқароларга 359,9 тонна жами 1225,6 тонна кўмир махсулотлари А.Боқиев томонидан жамланма рўйхатлар асосида тарқатилганлигини, лекин ўрганиш жараёнида, ДХХ Жиззах вилоят бўйича бошқармаси Пастдарғом туман бўлими ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги ИЖҚК Департаментининг Пастдарғом туман бўлими ходимлари томонидан Пастдарғом туманидаги маҳалла фуқаролари йиғинлари аҳолиси учун “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах вилояти филиалига қарашли Мароқанд ҳудудий кўмир омборхонасидан аҳолига имтиёзли, арзон нархларда сотилган кўмир махсулотларини 2023 йил июль ойида ҳақиқатда олинган ёки олинмаганлиги танлов асосида тезкор йўллар билан ўрганилганида, Пастдарғом туманидаги 46 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ушбу даврда умуман кўмир махсулотлари олинмаганлиги маълум бўлганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Нуралиев Обиджон Хакимович ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам Пастдарғом тумани “Жағалбойли” МФЙ раиси лавозимида ишлаб келишини, маҳалла аҳолисининг имтиёзли нархлардаги кўмир махсулотига зарурияти борлигини, сабаби маҳалла ҳудудидаги барча қишлоқларда табиий газ мавжуд эмаслигини, маҳалла аҳолисига имтиёзли равишда кўмир махсулотини Пастдарғом туманида жойлашган, “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори томонидан етказиб берилишини, “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори томонидан маҳалла аҳолисига имтиёзли нархларда кўмир етказиб бериш тартиби кўмир омбори ходимлари ҳар бир кўмир сотиб олган аҳоли хонадони рўйхати шакллантирилган, кўмир сотиб оладиган ҳар бир шахснинг идентификация рақами (ЖШИР) кўрсатилган, ҳоким ёрдамчиси ва МФЙ раисининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланган жадвал асосида тарқатиши лозим бўлишини, “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори мудирини Боқиев Абдурасул ёки омборнинг бошқа

димлари томонидан имтиёзли нархларда кўмир олувчи маҳалласида овчи фуқароларининг рўйхати ёки тасдиқланган жадвалини тақдим



қилиш шу пайтга қадар сўралмаганлигини, омбор мудир А.Бокиевни ҳам танимаслигини, агар сўралганида ушбу рўйхатни шакллантириб берган бўлишлигини, 2023 йил октябрь ойларидан бошлаб шу тартибда кўмирга эҳтиёжи бор фуқароларнинг рўйхатини омборга тақдим этишлари ҳақида Пастдарғом тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими томонидан айтилганлигини, 2023 йил октябрь ойига қадар маҳалласида яшовчи бирорта фуқаро “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори томонидан имтиёзли нархлардаги кўмир маҳсулоти билан таъминланмаганлигини, маҳалла фуқаролар йиғинида уларда махсус китоб юритиб келинишини, яъни ушбу китобда “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан имтиёзли нархда кўмир олиш истагини билдирган фуқароларга берилган маълумотномаларни тартиб рақамларини қайд этиб боришларини, чунки “Кўмир таъминот” МЧЖнинг Жиззах вилоят филиалига қарашли “Мароқанд” ҳудудий кўмир омборидан имтиёзли нархда бориб кўмир сотиб олиш истаги бўлган фуқаролардан омбор ходимлари маълумотнома талаб қилишларини, агар ушбу маълумотнома МФЙ томонидан берилмаса фуқаро тўғридан-тўғри бориб ўзи омбордан имтиёзли нархда кўмир сотиб ололмаглигини, улар ушбу маълумотномага ҳар бир фуқаронинг паспорт серия ва рақамлари, уни оила аъзолари сони, яшаш манзилларини кўрсатиб, МФЙ муҳри ва ўзини имзолари билан тасдиқлаб беришлигини, “Гулобод” МФЙ аҳолисини имтиёзли нархларда кўмир маҳсулотини бошқа тадбиркорлик субъектларидан сотиб олаётганлиги ҳақида маълумотга эга эмаслигини, 2023 йил 15–19 июль кунлари “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори томонидан маҳалла аҳолисига имтиёзли нархларда кўмир маҳсулоти етказиб берилмаганлигини билдириб баёнот берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ “Жағалбойли” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Бердиев Элдор Облокулович ўзининг кўрсатувида, судда сўроқ қилинган гувоҳ О.Х.Нуралиевнинг кўрсатувларини тўлиғича тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув берди.

Шунингдек, судланувчи А.Бокиевнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд бўлган Жиззах вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси мутахассислари томонидан 23.07.2023 йилда тузилган ўрганиш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари билан, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори мудир А.А.Бокиев томонидан “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига тақдим қилинган жамланма ҳисоботлари билан, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси Солиқ назорати бўлими Давлат солиқ бош инспектори томонидан ўтказилган солиқ аудити далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан, ҳужжатлари ашёвий далил деб эътироф этиш ва уларни жиноят иш ҳужжатларига қўшиш тўғрисидаги қарори ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-



моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ тасдиқланади.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.А.Бокиевнинг ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, аниқланган ҳолатларга кўра, судданувчи А.А.Бокиев 11.09.2023 йилдаги 03-сонли моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага асосан моддий жавобгар шахс бўлгани ҳолда моддий жавобгарлигида бўлган 1 млрд. 375 млн. 974 минг 600 сўмлик жами 4.581 тонна 998 кг. БЗР (уголь бурый-161096-27020000) – маркали кўмир маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.09.2022 йилдаги 551-сон қарори билан тасдиқланган “Республика аҳолисини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида “Кўмир таъминот” МЧЖ кўмир омборлари мудирлари, масъул мансабдор шахслари кўмир маҳсулоти сифатли сақланиши ҳамда уни истеъмолчиларга етказиб беришдаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилади” деб, 11-бандида “Кўмир таъминот” МЧЖнинг кўмир омборлари Порталда шакллантирилган маълумотлар ҳамда графиклар асосида аҳолига кўмир маҳсулотининг манзилли юклаб берилиши ва сотилишини таъминлаши ҳамда кўмир ортиб юборилганлиги бўйича маълумотларни Порталга киритади. Кўмир омборлари томонидан ҳар бир истеъмолчига ортиб юборилган кўмир партияси бўйича Портал ва SMS-хабарнома орқали истеъмолчига билдиришнома етказилади” деб қатъий белгиланган талабларни қўпол равишда бузиб, “Ўзбек кўмир” АЖ Бош директори ўринбосари Э.Якубовнинг 22.09.2022 йилдаги шошилиш хабарномасида белгиланган тартибга амал қилмасдан, кўмир маҳсулотларини аниқланмаган шахсларга сотиб юборган ҳамда сотилган пуллларни, ўзи ёхуд жамият кассири орқали аниқ ва ўз вақтида жамиятнинг ҳисоб рақамининг “Ўзсаноатқурилишбанк”га топшириб келинган.

Бундай ҳолда, судланувчи А.А.Бокиев томонидан ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ёки растарата қилиш эмас, балким ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш мақсадида, гўёки ушбу кўмир маҳсулотлари имтиёзли нархларда аҳолига сотилганлиги тўғрисида сохта жамланма маълумотлар тузиб, кўмир маҳсулотларини ҳақиқатда жамланма ҳисобларида кўрсатилган маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатмасдан, қонун билан қўриқланадиган давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлганлиги кўринади.

Қонун мазмунига кўра, ўзганинг мол-мулкни ўзлаштиришни қатъий таъқиқловчи қонун ҳужжатлари билан қилинган “Қонун билан қўриқланадиган давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлганлиги кўринади” қўриқловчи қонун ҳужжатлари билан қилинган “Қонун билан қўриқланадиган давлат ёки жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлганлиги кўринади” фарқлаш лозим. Агар шахс қайтариш



ёки қийматини қоплаш мақсадида ўзига ишониб топширилган мулкдан ноқонуний равишда фойдаланган бўлса, унда ўзлаштириш таркиби бўлмайди, айбдор ҳаракатлари эса ЖК 205-моддасидаги (ҳукумат ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш) ёки 229-моддасидаги (ўзбошимчалик) жиноят белгилари мавжуд бўлса, ушбу моддалар бўйича квалификация қилинади. Айбдорни қасд мақсадларидан қуйидагилар гувоҳлик бериши мумкин: олинган мулкнинг катта ҳажмдалиги, шахсда уларни қайтариб беришнинг реал имконияти йўқлиги, шунингдек, камомадни оқлаш учун қалбаки ҳужжатларни тақдим этиб кўриши.

Кўрсатиб ўтилган қонун нормаларидан келиб чиқиб, судланувчи А.А.Бокиев моддий жавобгар вазифасида ишлаб келиб, мулкдан ноқонуний равишда фойдаланиб келинганлиги ва ўзбошимчалик билан кўмир маҳсулотларни сотиб юборганлигини эътироф этиб, унинг ушбу ифодаоланган ҳаракатларини ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандидан, ЖКнинг 229-моддасига қайта квалификация қилишликни лозим деб топади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 май кунидаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш ҳатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Давомли жиноят бир неча ҳатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланиши туфайли, жиноят қонунига бу қилмиш учун жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ўзгартиришлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қонун янги таҳрирда амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак” деб кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 32-моддаси 3-бандида умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди деб кўрсатилган.

Ишда мавжуд ҳужжатларга ва судда текширилган далилларга кўра, судланувчи А.А.Бокиев жавобгарлигида бўлган 1 млрд. 375 млн. 974 минг 600 сўмлик жами 4.581 тонна 998 кг. БЗР (уголь бурый-161096-27020000) – маркали кўмир маҳсулотларини белгиланган талабларни



кўпол равишда бузиб, кўмир маҳсулотларини ҳақиқатда жамланма ҳисобларида кўрсатилган маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатмасдан, ўзбошимчалик билан сотиб юборганлиги сабабли, унинг ушбу ҳаракатлари ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи иборат бўлган жиноят ҳисобланаганлиги сабабли, у ушбу жиноятларни такроран содир этган деб баҳолаб бўлмайди.

Бундай ҳолда, судланувчи А.А.Бокиев кўрсатиб ўтилган расмий бўлган ҳужжатларни такроран содир қилмаганлиги сабабли, унинг жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а” бандидан, ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишликни лозим топади.

Суд, судланувчи А.А.Бокиевнинг айбига иқдор бўлиб қилмишидан пушаймон эканлигини, зарар мавжуд эмаслигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи А.А.Бокиевга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда,

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошисида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган бош қомус талабларини инобатга олиб,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб,

5-бандида, “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб,

18-бандида “Ахлоқ тузатиш ишлари меҳнатга лаёқатли шахсга нисбатан у содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик



даражасини ҳисобга олган ҳолда уни жамиятдан ажратиш зарурати бўлмаганда олти ойдан уч йилгача (вояга етмаганларга нисбатан-бир ойдан бир йилгача) бўлган муддатга тайинланади” деб ҳамда

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб,

унинг айбига иқрор бўлиб ва қилмишидан пушаймон эканлигини, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини, моддий зарар мавжуд эмаслигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, уни жамиятдан ажратилмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжуд эканлигини эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 229-моддаси ва 228-моддаси 1-қисми санкцияларида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан биргаликда, судланувчи А.А.Бокиев ушбу жиноятни моддий жавобгар шахс бўла туриб бевосита иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир қилиб моддий зарар етказганлигини инобатга олиб, қўшимча жазо тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, жиноят иши юзасидан ҳужжатли ашёвий далил сифатида эътироф этилган Жиззах вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси мутахассислари томонидан 23.07.2023 йилда тузилган ўрганиш далолатномаси ва унга илова ҳужжатлари, “Мароқанд” ҳудудий кўмир омбори мудирини А.А.Бокиев томонидан “Кўмир таъминот” МЧЖ Жиззах ҳудудий филиалига тақдим қилинган жамланма ҳисоботлари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси Солиқ назорати бўлими Давлат солиқ бош инспектори томонидан ўтказилган солиқ аудити далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жиноят иш материалларида сақланиб келинаётганлигини эътиборга олиб, уларни муҳофамадан қолдиришликни лозим деб топади.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 29-моддасида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади” деб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, фуқаровий даъвогар Ш.В.Давроновга судланган А.А.Бокиевдан йўқотилган фойда, маънавий зарар ҳамда келиб чиққан бошқа моддий зарарларни ундириш юзасидан тегишли тартибда фуқаролик ёхуд иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқларини тушунтиришликни лозим деб топади.



Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукми қилади,-

Ҳ У К М :

Судланувчи Бокиев Ашур Абдусалимовични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси ва 228-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан, ҳар ойлик иш ҳақидан 20 (йигирма) фоиз миқдоридан давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Унга, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан, 45-моддасини қўллаб 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш шarti билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан суд томонидан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил кесил 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш шarti билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан судланувчи Бокиев Ашур Абдусалимович 2023 йил 14 ноябрь кунидан 2024 йил 21 февраль кунига қадар қамоқда сақланган ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ва тайинланган жазодан чегириб, унга ўташ учун ҳар ойда иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин бошлаб ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шартларининг ижросини таъминлаш Жиззах шаҳри бўйича ИИО ФМБ обация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазоларининг ҳар бир қайсиси алоҳида ижро қилинсин.

Бокиев Ашур Абдусалимовичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у дарҳол ҳибсдан озод қилиниб ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Фуқаровий даъвогар Ш.Даврановга судланган А.Бокиевдан йўқотилган фойда, маънавий зарар ҳамда келиб чиққан бошқа моддий зарарларни ундириш юзасидан тегишли тартибда фуқаролик ёхуд иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жинойт ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:
“аслига тўғри”

имзо:

А.Хайдаров

